

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 21 июнь жума
Сотувда эркин нархда № 130 (2958)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2001 йил юзасидан ҳисоботи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Марказий банк раиси Ф.Муллажоновнинг маърузаси ҳамда парламент Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовнинг қўшимча маърузаси тингланди.

Хисобот даврида Марказий банк ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга ҳамда пул-кредит системининг асосий йўналишлари га мувофиқ амалга оширди. Марказий банк томонидан юритилган изчил пул-кредит системи инфляция даражасини пасайтиришга, валюта бозорини эркинлаштиришга, макронқисодий барқарорлик ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга, банк тизимидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда пул тизими янада мустаҳкамлаш, тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал секторини кредитлаш, бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бера олаётган самарали банк тизимини шакллантириш борасида Марказий банк қатор ишларини амалга оширди.

Мажлисида Марказий банкнинг 2001 йилги фаолияти асослари илк бор нуфузли халқаро аудиторлик ташкилоти — «Делойт энд Тш» аудиторлик компанияси томонидан ташқи аудит текширувидан ўтказилганлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса мамлакатимиз банк тизимида бўлган ишонч халқаро қўлама янада мустаҳкамлашга ёрдам беради ҳамда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга замин яратди.

Шу билан бирга банкларни хусусийлаштириш жараёнига хоржий инвесторларни жалб қилиш, аҳоли ва юридик шахсларнинг бундан пул маблағларини омонатларга жалб этишда тижорат банклари томонидан мавжуд имкониятлардан татришча фойдаланилмайётганлиги мажлисида алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартда чиқарилган «Пул массаси ўсиши чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига изчил пул-кредит системи ўтказилишини таъминлашни, инвестиция лойиҳаларини кредитлашда банklar иштирокининг янги шакллари ва усуллари жорий этиш, тадбиркорлик тузилмаларининг кредит ресурсларидан, шу жумладан, халқаро молия ташкилотлари томонидан ажратилётган кредит ресурсларидан эркин фойдалана олиш механизминини соддалаштириш, хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш қўламини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратишни тавсия этди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари молия, банк ва солиқ тузилмалари билан биргаликда иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, молия интизомига риоя этиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар ўз вақтида тўлиниши устидан назоратни кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш тавсия этилди. Айни пайтнинг ўзида кичик ва ўрта бизнесни, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ҳамда томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга, экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшимча корхоналар самарали фаолият кўрсатишига қаратилган ишларни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мажлисида Олий Мажлис Кенгаши ваколатига қиридан бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳокимияти Кенгаши ваколатига қиридан бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.


Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳокимияти Кенгаши ваколатига қиридан бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.



ҚУВАСОЙНИНГ «ДЕЛКОНС»И

Қувасой шаҳрида «Делконс» Ўзбекистон-АҚШ-Италия қўшма корхонаси куриб битказилди. Айни кунларда уни ишга туширишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда

Бу ерда шу йилнинг ўзидеяқ 20 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, 7 минг тонна помидор, 1,5 минг тонна ўрик ва 4,5 минг тонна олма қайта ишланиб, улардан жаҳон андозаларига жавоб берадиган концентратлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.



СУРАТЛАРДА: ишчи Нигора Халилова; корхонанинг кўриниши. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ғўза парваришида омилкорлик зарур

Жиззахда бўлиб ўтган йилги иштирокчилари пахтачиликка юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш масалаларини муҳокама этишди. Инглизини республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Экин мавсуми давомида ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги, баҳорнинг салқин келиши ишчи кучи нисбатан тақчил қўриқ воҳа деҳқонларини анча шошириб қўйди. Бунинг устига Жиззах, Зомин, Зафарбод каби туманларда раҳбарлар маъмуриятининг, сўрашчиликка йўл қўйилди. Оқибатда вилоят бўйича ривожланишдан орқанда қойлаётган ғўзалар, кўчати қўйилди май-июньда 54-55 минг гектарга етди. Бегона ўтдан тозаланаётган ерлар ҳам анчагина. Шунга қарамастан дала ишларига оммавий сафарбарлик бутунги талаб даражасида эмас.

Раҳбар ва мутахассислар вақтида омилкорлик билан иш юритишда бу қадар жиддий вазият юзага келмаган бўларди, деб таъкидланди.

Инглизини сифати ўтказиш, далага гўнг чиқариш, шарт бериб сугориш ва дашоратларга қарши кураш бўйича тавсиялар, кўрсатмалар берилди.

Мажлисида ғалла ўрими йилнинг қиёқда фурсатда яқунлаш чора-тадбирлари тўғрисида гап борди.

Унда Жиззах вилояти ҳокими У.Аманқулов иштирок этди.

Б.САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ғўза парваришида омилкорлик билан иш юритишда бу қадар жиддий вазият юзага келмаган бўларди, деб таъкидланди.

Инглизини сифати ўтказиш, далага гўнг чиқариш, шарт бериб сугориш ва дашоратларга қарши кураш бўйича тавсиялар, кўрсатмалар берилди.

Мажлисида ғалла ўрими йилнинг қиёқда фурсатда яқунлаш чора-тадбирлари тўғрисида гап борди.

Унда Жиззах вилояти ҳокими У.Аманқулов иштирок этди.

Б.САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кредит уюшмалари — янги молия муассасалари

Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун кредит уюшмаларининг республика молия тизимида кириб келиши ва самарали фаолият кўрсатиши учун тегишли шарт-шароитларни ҳозирлайди. Бундай уюшмалар, биринчи навбатда, ўз аҳолига хизмат кўрсатиши, уларнинг фаровонлигини ошириши, гаровсиз қарз бериши каби жиҳатлари билан тижорат банклари билан фарқланади. Чет эл мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш, аҳолининг жағмарга ва кредит уюшмаларини тузиш-

га бўлган қизиқиши асосида мамлакатимиз молия бозорига ана шундай ташкилотлар фаолият кўрсатишининг мақсад ва вазифалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди.

Марказий банк Қонун талабларидан келиб чиқиб, кредит уюшмаларини тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва самарали фаолият юритишнинг таъминлаш мақсадида зарур меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқди.

Қонун ва қўнуни ости ҳужжатларини амалиётга таъбиқ этиш мақсадида Марказий банкда манфаатдор ташкилотлар, тижорат банклари масъул хо-

димлари ва тадбиркорлар иштирокида семинар бўлиб ўтди. Семинарда кредит уюшмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини лицензиялаш, кредитлар ажратиш, умуман, Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрий қўрсаткичларга риоя қилиш каби қатор масалалар атрофида муҳокама этилди.

Қишлоқ ҳойларига кредит уюшмаларини ташкил этиш жараёнини жалдлаштириш, қонун ҳокимияти аҳли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида Марказий банкнинг бош бошқармалари ҳам ана шундай семинарларни ўтказишга келишиб олинди.

ОЗОДНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Москва, 20 июнь. Ўза махсус мухбири Мухаммад АМИН хабар қилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро ўсимлар спорт ўйинларида иштирок этаётган ҳамюртимиз — 40 кг вазнда майдонга тушган Тайлок (Самарқанд вилояти) спорт мактаби ўқувчиси самбончи Озод Пардаев рақибни Антон Муртеёко (Россия)ни 1:0 ҳисобда финалда мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди.

Ҳозиргача мусобақаларда мамлакатимиз вакиллари 10 нафари фахри ўринларини эгаллади. Шахматчимиз Антон Филиппов Борис Савченко (Россия)ни, Сарвино Эргашева Эбжебай Илликова (Туркманистон)ни, Юлдуз Ҳамроқулова Евелина Шоулте (Литва)ни мағлуб этди. Журабек Ҳамроқулов Юрий



Михайлов (Латвия) билан дурани ўйнади. Катта теннис баҳслари «Октябрь» ўйингоҳи кортида давом этмоқда. Терма жамоамиз вакиллари Фарух Дўстов ва Фодур Эшматов галаба наҳшасини сурди. Аммо қизларнинг Элина Артопова, Влада Яхшиборова ўз имкониятларини даражасида ўйин кўрсата олмади. 19 июнь куни «Олимпия» спорт мажмуида сузиш бўйича мусобақалар бошланди. Биринчи кун натижалари кўра 100 метрга баттерфляй сузишда Антон Тищенко финал босқинида иштирок этадиган бўлди. Қиличбозлик, шахмат, стол теннис, теннис, сузиш, спорт гимнастикаси, енгил атлетика баҳслари давом этапти. (ЎЗА).

ДИҚҚАТ! БЕВОСИТА МУЛОҚОТ. АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!

Мухтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

Шу йилнинг 28 июнь, жума куни соат 10.00 дан 12.00 гача Сизлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидхўр Сидиқмуҳомедов Ғуломов телефон орқали мулоқот сўбатлари ўтказилди.

Агар Сизни мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган тўв ислохотларнинг натижалари, давлатимизнинг стратегик ҳужжати — Қаллар тайфрлари миллий дастурида белгиланган уқувор вазифаларининг амалга бажарилаётганлиги ҳамда яқинлашиб келаётган 2002-2003 ўқув йили учун олий ва ўрта махсус ўқув юрталари қабул уқувотини билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бу борадаги ингиликлар, муаммолар қизиқтира ва шу соҳадagi ишларини янада яхшилашга оид тақлиф ҳамда муҳоказаларинингизни айтишини истасангиз, қуйидаги телефонларга қўнғир қилинг.

139-15-00, 139-15-24, 139-46-74. Мабадо, вазирга берилажак саволларни олдидан етказмоқчи бўлагиз, иш қулави соат 10.00 дан соат 18.00 гача бевосита тахририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўлланганингиз ёки (8-371) 133-10-17, 136-35-60, 133-38-01 рақамли телефонлар орқали баён этишингиз мумкин. E-mail: slovo@uzrak.uz

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

БУҒДОЙ ҲИДИ ТУТГАН ДАЛАЛАР

Бундан икки-уч йил муқаддам «Сирдарёда ҳар гектар ҳисобига 60-65 центнердан дон етиштирувчи фермер ва оилавий пудратчилар бор» дейишса, кўпчилик бунга ишонмасди. Кўклами ўта инжиқ келадиган, ерлари шўрланган майдонлардан бундай юқори ҳосил олинишига ишонмаслик табиий ҳол эди. Аммо бу йил вилоят ғаллакорлари олдинги йиллардагига қараганда янада самаралироқ меҳнат қилишди.

Бугунги кунда ўнлаб хўжаликлар нафақат дивлат буюртмасини, балки ишлаб чиқариш режаларини ҳам ошириб бажаришди. Боев туманидаги «Тараққиёт», Ховос туманидаги «Бобур номи, Сирдарё туманидаги «Малик» ва «Синдороб» ширкат хўжаликларидея хозиргача ҳосилдорлик 45-50 центнердан ошиб кетди.

Сайхонбоб тумани даладарининг фазли, айниқса, бу йил ўзгача. Тумандаги Турсунмат Ғуломов номи, «Шуразақ» ширкат хўжаликларидея давлат буюртмасини ошириб бажаришга қарамасдан, давлатга ғалла топшириш сўрали пайсаянги йўқ. «Пахтакор» ширкат хўжалиги ҳам алдақадар дастлабки доводдан ошган. Улар эрта-инди ишлаб чиқариш режаларини бажариш арафасида турибди. Кунига 230-250 тонна ҳосил топшириш туманида қарвонбошиқлик қилётган бу хўжаликда 5 та «Россия» ва 2 та «Кейс» комбайнлари юқори унум билан ишлатилапти.

Шу хўжаликда бугунгача 400 тоннага яқин ғалла ўриб-ячиб бердим, — дейди «Кейс» комбайннинг ҳайдовчиси Бақтиёр Солибов. — Кунига 24-26 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олишга эришялган. Мўжадлим мавсум охиригача камидея 1200 тонна ғаллани хирмонга топширишлар.

Раҳматилла Урозов раҳбарлик қилётган оилавий пудрат жамоасининг хирмонга топширган ҳосил эса 80 тоннадан ошиб кетди. 13 гектар ердан 60 центнердан ҳосил кўтарган бу ғаллакорни сўбатга тортдик.

Деҳқонни меҳнатига яраша манфаатдор қилиш керак, — дейди у. — Бусиз, ишда силжиш бўлмайдди. Бизнинг ғаллани ўрган комбайнлар роҳат қилишди. Негакки, даламизда бир дон ҳам ўт-қўқ эди. Натигада бир кунда ҳосилни саранжомлади. Режалар ташқари 20 тоннадан ортиқ бўлди ўзимизга тегди.

Жаҳонбой ўринбоев ҳам хўжалигининг илгор пудратчиларидан. У бошлиқ жамоа 16

гектар ердан салкам 90 тонна ҳосил йиғиштириб олди.

Биз Раҳматилла Урозовдан бироз ортда қолганимиз билан ўзимизга теккан ҳосилдан хурсандимиз. Бу йил ҳар гектар ердан 52 центнердан ҳосил кўтарган бўлсак, келгуси йилда бу кўрсаткичнинг 65 центнерга етказишимиз. Баракали меҳнат нони қилишни янада яхшироқ ишлашга, янада кўпроқ даромад олишга ундайди.

Ҳар икки деҳқоннинг гапи ўринли. Меҳнат қилган одамнинг қўли пул, қозони гўшт

омил шуки, бизда режани бажарган одам, ҳалол меҳнат қилган одам ошини бир эмас, икки ошга оладиган. Биз бу тартибни ҳеч қачон бузмаймиз. Шу тўғрисида даладаримизда мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирилди. Одамларимизнинг уйи бугудоғга тўлди. Уйи бугудоғга тўлган одамга қанадай меҳнат қилиш, нима қилиш, юқори ҳосил етиштириш ҳақида кўрсатма ва буюрқ шарт эмас...

— Сўхбатимиз айни қизган чоғда Ботиржон Жонбаев — оилавий пудрат бошлиғи даярга келиб қўшилди.

— Раис, ўзимизга қолдирилган майдонни ҳам ўриб-ячиб олдик. Ғалласини нима қилдик?

— Бу саволга Улўбег Ҳидиров кулимсираб жавоб берди. Кейин ёнида турган бош ҳосилот Ҳисомиддин Эшонқўловга «Сиз жавоб беринг...» дегандек им қокди.

Бу Ҳисомиддин Эшонқўлов деганимиз анча гапга чечан одам экан. Аввал қизик бир латифа айтиди. Кейин Жонбаевга қараб шундай деди:

— Ўзингизга теккан ғаллани кўриб лабингизга учуқ тошдимиз? Негача билан нарсани биздан сўрайсиз? Режалар оқишча бугудоғнинг ўн тонна бўлса ҳам, юз тонна бўлса ҳам, ўзингизники. Даромадингизга тўйлар қилинг, биз ҳам дастурхонингизнинг бир четидея ўтириб, эзу до қилдик...

...Ушунга кўра хўжалик далаида кимни уқратмайлик, уларнинг чехрасида мамунлик ва қониқчи ҳисларни наман лед яққол билиниб турарди. Даладаран эса димоққа хуш ёқувчи, бугудоғ худди тараларди. Бу худди, бу буй қилинган катта меҳнат қилди бир шўбақнинг мевалари эканлигини барчамиз яқин ангардик.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қўшалок зафар

Чуст туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раиси ғалла топшириш бўйича давлат шартномасини бажарганлик ҳақидаги зафарномани олиб ҳокимликка борганда ҳамкасблари — «Зарафшон», «Нуррафшон» ва «Чуст» ширкат хўжаликлари раҳбарларини ҳам худди шу мақсадда келишганига тўғуш бўлди. Эришилган натижага таққосланганда «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги кўрсаткичла-

ри салмоқли деб топилди. Бу ерда 1123 тонна ўрнига 1388 тонна сара дон давлатга сотилган бўлса, яқин хирмон 2295 тоннани ташкил этди. Толлиббой Тилла Назаров, Мухаммаджон Умаров, Тоҳиржон Риебов синари пудратчилар ҳосилдорликни гектаридан 60-70 центнерга етказишди.

Набижон НАЗАРОВ, Наманган вилояти.

ИСТИҚЛОЛНИНГ 11 КОШОНАСИ

ПОЙТАХТ КАФТИДАГИ ГАВҲАР

1995 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов 1996 йилни Амур Темур йили деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармони имзолади.

Мамлакатимизда йил бошидан ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни бажаришга қизғин киришилди. Уша йилнинг 14 март кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейини барпо этиш тўғрисидаги Қарори эълон қилинди. Бу музей Амур Темур хибобни ёнида бунёд этилган бўлди.

Давлатимиз, халқимиз ўзининг улғу бобоқалони хотирасини эъзозловчи бу қошоқни қурилушида катта ихлос билан киришди. Филдкорона меҳнат самараси ўлароқ, аттиги ярим йилда мустақил республикамизнинг энг ноҳир қадриятларидан бири, ўзидан миллий тарихий ва замонавий меъморчиликнинг тажрибаларини узвий бirlаштирган ажойиб қошоқна — Темурийлар тарихи давлат музейи қад рoстлади. 1996 йилнинг 18 октябрь кунин бу қошонанинг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда Президент Ислам Каримов иштирок этиб, чуқур мазмунли маъруза қилди.

Мана, 6 йилки, Темурийлар тарихи давлат музейи пойтахтимиз бағрида, йўқ, аниқроғи, пойтахтимиз кафтида гавҳардай порлаб турди. У шахримизнинг кўрки, халқимизнинг фахри, мустақиллигимизнинг ноёб қадриятидир.

Осиёга Ўзбекистоннинг бостириб кириши билан боғлаб талқин этиб келинди... Хуллас, миллий тарихимизга ёндашуваги бундай чекланишлар ва бўҳтонлар ўн йиллар мобайнида халқимиз онига тикштирилиб, тарихий хотирамизга жиддий пўтур етказилди.

Мустақиллик йилларида миллий тарихий хотирани тиклаш учун мамлакатимизда ниҳоятда улкан ишлар амалга оширилди. Бугун Урганч шаҳрида «Авесто» боғи кўқариб, яннанда турибди. «Авесто» китобининг 2700 йиллиги бизда ва халқроқ микдe кенг нишонланди. Нега? Чунки бу китоб саҳифалари миллий тарихимизнинг гойтада муҳим ҳақиқатлар



ғуласта қўйиши, уларнинг хотираларига бош эгиши — булар шунчаки урф-одат, анъанага ҳурмат белгиси эмас, балки худди шу таърифлар чоғида ёшлар қалбига тарихий хотира билан боғлиқ эътиқоми — руҳий тамойиллар уйғониши ҳам табиийдир.

ХАЗИНАЛАР ЮРТГА ҚАЙТМОҚДА

Бир вақтлар шўро тузуми шароитида улғу адабиюми А. Қадҳор мана бундай деб ёзган эдилар: «Гуржистонда маданият тарихига оид бўлса, улган отининг тақдирини ҳам баҳамалта қалаб, оқиб


ниқса, ёш авлодининг онига янги тарихий дунёқарашини шакллантириш ва изчил ривожлантириш боришта хизмат этувчи илмий тадқиқотлар, таълимнинг турли босқичлари учун янги мазмунли дарслиқлар яратилишининг заруритини таъкидлади.

Айнан шу сўҳбатдан кейин мамлакатимизда тарих илми гойтада фаол ривожланиш йўлига кириди. Ҳозирги кунда халқимиз олимлар томонидан яратилган кўпдан-кўп янги тарихий тадқиқотларга эътибор бўлди. Мақтаблар, олий ва ўрта махсус таълим тизимлари учун Ватанимиз тарихи бўйича янги дарслиқлар дунёга кела бошлади.

Миллий тарихимизни ўрганишни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги «Ўзбекистоннинг янги тарихини таърифлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги ҳамда 1998 йилнинг август ойидаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу қарорлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳиат қурилиши Академияси қошида Янги тарих маркази ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг фаолияти тубдан қайта қўриб чиқилди. Ҳозирги кунда республикада тарих фанини ривожлантиришнинг ўзининг бош вазифаси деб билган бу икки илмий даргоҳ халқимизнинг қадимий ва янги ўтмишидаги тарихини чуқур ва ҳаққоний ёритувчи қўпгина фундаментал тадқиқотларни халқимизга тақдим этишлар ва эъмоқдалар.

АЖДОДЛАРДАН ҚОЛГАН ТУЗУК

Буёқ адабиюми Абдулла Қодир: «Мозийга қайтиб иш қўриш хайлидир» деган фикрини қолдирган. Нега



Ғолиблар талаба бўлишди

Эллиққалъа туманидаги I-мактабнинг уч нафар ўқувчиси Тошкентдаги олий ўқув юртидаги талабалари бўлишди. Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчиларининг фанлар бўйича ўтказилган олимпиадасида тумандан бир неча ўқувчи иштирок этган эди. Шулар орасидан мазкур мактабнинг 11-синф ўқувчилари Мунира Хайруллоева, Хуришда Ибодуллоева ва Руслан Ургенбоевлар ғолиб бўлиш билан таълим олимпиадасида ҳам ғолиб бўлиб қайтиди. Энди эллиққалъалик уч ўқувчи уч талабага — Мунира ва Хуришда ўзМУ, Руслан эса Тошкент Тиббиёт институти талабалари айланишди.

М. ХОЛМАТОВА. Суратда: мактаб директори Самандар Исмомов ёш талабалар билан. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ТАРИХИМИЗ ФАЛСАФАСИ — БУНЁДНОРЛИК

Биз юқорида бу қошонани гавҳарга қиёсаланд. Мазмунли, гавҳар қўйишга тўғна, ичидан ёғду тартиб, ял-ял порлаб турди. Ушбу музей шу жihatдан ҳам гавҳарга ўқайди. У тарихимизнинг шафқатли бир босқичи — Амур Темур салтанати ва Темурийлар даврининг шукҳули мазмунини ўз бағрига жо эйтиб, ичдан порлаб, жипланиб турибди.

Уттан қисқа даврда музейга миллионлаб ихлосмандлар ташриф этди. Уларнинг орасида мамлакатимиз жамоатчилиги вакилларидан ташқари кўпгаб хоржий меҳмонлар ҳам бор. Музейда сақланган «Таслиф ва ихтисос дафтарларида жаҳоннинг машҳур адаблар, сиебат ва жамоат арбобларининг ҳам сўзлари муҳрланган. Ранг-баранг фикрлар, ўйлар, ҳақ-тўғналар! Аммо уларни бир муҳим ҳолат ичдан бirlаштирди. Бу — ҳайрат, завқ-шавқ, ўз она тарихини, буюқ сиймоларини ардоқлаётган халққа чуқур эҳтиром, таҳсинлар!..

Темурийлар тарихи давлат музейи, чиндан ҳам, бундай юксак эътирофларга тўла-тўғна муносиб.

Шу ўринда таърихчиларимиз диққатини яна бир ҳолатга жалб этишни ўринли, деб билимиз. Тошкент — мамлакатимизнинг кўзга суртган улғу шаҳри, пойтахти. Ана шу улғу шаҳар эса ўзининг энг марказида, биз юқорида айтганимиздай, кафтида Темурийлар тарихи давлат музейини эъзозлаб туртиб турибди. Мана шу манзаранинг ўзи бизга чуқур рамазиддай туюлади. Негакки, Истиқлол тўғнали Ватанимиз тарихи энг буюқ қадриятлардан бирига айланди, уни халқимиз ардоқламоқда, давлатимиз ардоқламоқда.

Бугун Темурийлар тарихи давлат музейи ягона тарих қошонаси эмас. Пойтахтимизнинг кўксидати яна бир муҳташам бино бугун, Истиқлолнинг ирдоси билан Ўзбекистон халқлари тарихи даргоҳига айланди.

Термиз шаҳрининг 2005 йиллиги кунларида бу юбилар-шаҳарда яна бир қошоқна Археология музейи эъланимизга ўз эишларини очди. Бу музей экспозицияларида инсоният цивилизациясининг энг биринчи қадимларидан буюқлар берувчи шундай ноҳир буюқлар борки, улар оламшарқ тарихи ҳақидаги маъжуб билимларга жиддий таъбир, тўғнаш кўришга оладинган моҳитга эга. Диққатга сазовор жиҳат шунки, бу музей ҳам Термиз шаҳрининг кафтида турибди.

Ҳа, она юртимиз тарихи бугун шундай юксак эъзозланмоқда.

ТАРИХИЙ ХОТИРА — ТИКЛАНИШ ЙЎЛИДА

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида, жумладан: «Биз уч минг йиллик тарихга эгамиз» деган фикрларни айтганлари кўпчиликнинг ёида. Ҳа, бугунги маъмулотлар, тарихий манбалар, археологик изланишларнинг натижалари худди шундан далолат беради. Бироқ, афсуски, яқин ўтмишда биз бундай катта тарихий-халқ эканлигимизни яхши билмас эдик.

Жумладан, Ўзбекистондаги давлатчилик тарихи ниҳоятда камбағаллаштирилиб кўрсатилди. Шўро тарихчиларининг фикрича, Ўзбекистон гўе 1924 йилданга давлат мақомини олган эмиш. Еки ўзбек халқининг келиб чиқишини Урта

рини ўзида муҳрлаган. «Авесто» ўз даврида ва ундан олдин Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларда Бақтир, Кушон, Сугдийлар, Хоразмийлар давлати ҳукм сургандлигини ва уларнинг ҳар бири ўзига хос қудратли давлатлар бўлганлигини бизгага етказди. «Авесто» уч минг йил нарғида туриб бераётган тарихий шохидлик ҳар қандай калтабинликни мум тилташди.

Еки Президентимизнинг 1997 йил 12 ноябрдаги Фармони билан Хива шаҳрида қадимги Маъмул академиясининг қайта тикланганлиги Хоразм воҳасида илм-фан ривожига қайта куч бағишлагина қолмай, халқимиз тарихий хотирасининг тикланишида ҳам ҳалқ мушунчи роль ўйнади. Нега? Шу маънодаки, Ўзбекистон Фанлар академияси тарихини фақат совет даври билан боғлаб тушуниш ҳақидага ҳам ҳукм суриб келди. Ҳолбуки, бизда минг йиллар олдин Маъмул академияси бўлган. Бундан 600 йил олдин Самарқандда Мирзо Улуғбек атрофидаги олимлардан иборат ўзига хос академия оламшумул фаолият кўрсатган. Демак, академиямиз тарихини ана шу ибтидолардан бошлашса, тарихий мантиққа тўғри келади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир вақтларда ривож топган тасавуфий фалсафаси ва унинг моҳиятига ҳам халқимизнинг қизиқиши кучайди. Мутахассис олимларимиз тасавуфийнинг инсонни комилликка, маънавий етукликка қорловчи таълимот сифатида мағзи-моҳиятини очиб бoрасида катта ишлар қилдилар.

Бухоро ва Хива, Термиз ва Шаҳристан каби кенес шаҳарларимизнинг тўғналари, буюқ алломалар Ал-Фароғий ва Мирзо Улуғбек юбилейларининг нишонланиши, Ат-Термийий, Имом Бухорий, Баҳодурдин Наҳшбанд, Имом Мотурийий, Бурҳониддин Марғиноний каби маънавий сиймоларнинг хотираси ва меросининг тикланиши, Амур Темур ва Жалолидин Мангуберди каби миллий баҳодирларимиз номининг ардоқланиши — булар халқ тарихий хотирасини тиклашда ўзига хос муҳим буюқлардир. Давлат миқёсидаги мана шундай улкан таъбирлар тўғнали бугун ўзбек халқи теран илдизин ва жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган бир халқ сифатида ўзини англамоқда. Тарихий хотира халқимизнинг миллий гуруру ва ифтихор тўғналарини тарбияловчи ноҳир мактабга айланди.

Тарихий хотира бизга Навруз, Рамазон ҳайити, Курбон ҳайити каби миллий байрамларимизни, улар билан боғлиқ бўлган гузал миллий урф-одатларини, анъаналарини қайтарди. Президентимизнинг шу пайтагача Гаалаба кунин сифатида нишонлаб келинган 9-Майни Хотира ва Қадрлаш кунин деб аташ тўғрисидаги Фармони ҳам халқимиз онига ва руҳиятида тарихий хотиранинг янада эъзозланишига сабаб бўлди. Бугун биз 9-Май кунинда фақат Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасининг эътибори эмас, балки умуман Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг озолиги учун ўзини фидо қилган барча инсонларнинг хотирасини ёдга олиб, уларга таъзим бажо этамиз.

Тарихий хотира ҳозирги янги авлодларнинг тарбиясида алоҳида ўрин тутади. Мақтаблар, лицейлар, касб-хунар коллежлари, ўқувчиларнинг қадимқадим зиёратига келатганлари, онда қўриққан ёшлар ўз тўғналарини олдидан хотира маъмуларига ташриф этиб, бу дунёдан ўтганлар пойнта

қўйишар экан».

Шак-шубҳасиз, бу сўзларда она тарихини чексиз севган туртин халқига ўзбек адабининг оруз-ҳаваси акс этган. Бироқ адабининг бу фикри унинг ўз она халқига зинҳор таъноси эмас. Чунки у ўзбек халқининг ўз кўнра тарихига, маданиятига эътибор билан, аждодларга эҳтиромни билан бир халқ эканлигини яхши билар эди. Шу билан бирга, Ватанимиз тарихи шўро мафрурасининг қўйиш қўзғусида акс этиб, анча хира торганлигини ҳам қўриб-билиб, яшаётган эди. Бунинг устига, А. Қадҳор мустақил даврда миллий тарихимиз бисоти талон-торғож бўлганлигини ҳам улкан бир зиёли сифатида англаб, унинг қалби жароҳатланиб юрганлигини биз ўзиниҳа тасавуф қилмас. Аммо алоб бу даралари тўғрисида очикчаси гапиролмас эди. Замон бошқа эди. Шу боисан ўз қалбини тирнаб турган армонларини қўйиб, имо-ишора билан ишорада эътибор билан тарихини ҳақиқат билан бебаб келмоқда. Бу халққа, бу дунёдан кетар экансан, ортингда эзу сўз, эзу ниҳат, эзу амаллар қолса» дейди. Бу халқ: «Ерга дон эксанг — алолатни эксан бўласан» деган ажойиб фалсафани ҳам қолдирган.

Мен «Авесто»да битилган фикрларни келтирдим. Бу кўнра китоб, жумладан, бизнинг ўзинимизни ифода этган таваруқ китобдир. Ҳаётини қўқариш — энг буюқ адолат эканлиги айнан бизнинг халқимизга хос дунёқарашдир. Азалдан хунарманд, деҳқон, чорвалор, миришкор халқимиз тарихда фотихлар оғи остида пайҳон бўлган ҳаётини қайта ва қайта қайтаргани, унга ирмоқ бағишлади. Бу заминда ўзига хос цивилизация қайта ва қайта қўйла-яншиверди.

Халқда бор фазилат йўқолмас экан. Бундан деярли 700 йил бурун Амур Темур бобомиз ҳам мозиёга қайтиб иш қўриб, бунёдкорлиқни ўз тарихий фаолиятининг асосига айлантирган. Бир тўп Амур Темуршўрлар яқин-яқин замоналарга «Амур Темур курган эмас — бузган, эккан, қўқартирган эмас — ҳозан қилган деб келишиди. Афсуски, биз ҳам уларга ишондик.

Истиқлол тарихий хотирамизни фарзиди қарашлардан қолсаб, бутлаб оёққа қўйган, биз улғу бобомизга энг кўз билан қарай бошладик. Унинг бе-шафқат вайронкор эмас, балки улғу бунёдкор бўлганлигини ҳам англай бошладик. Миллий тарихимизда бир олтин даврини яратган Амур Темур ва Темурийшўрларини фақат бунёдкор зотлар деб аташ адолатдан бўлади.

Энди замонамизга қайтайлик. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов биз юқорида эслagan бир гуруҳ тарихий олимлар билан учрашувида шундай дедилар: «Ўзбеклар том маънода бунёдкорлар».

Англаясизми? Янглишмадингиз: бунёдкорлик миллий тарихимизнинг бош моҳият-маъмуни, «Авесто»дан қолган улмас ҳикमतлар яна бир бор жанрлаб садо бераётгандир.

Бир вақтлар Амур Темур болалари ва набираларига давлат бошқарувида доир таърибларини ўзида муҳассам этган «Темур тузуқлари»ни мерос қилиб қолдирган эди. Унга қўнсан айтгандай бўлса, миллий тарихимиз моҳиятидан ёғлиб турган бунёдкорлик фалсафаси ҳам аждодларимиздан ҳозирги авлодларга мерос қолган энг ноёб тарихий тузуқдай туюлади бизга.

Ҳозирги Ўзбекистон байини улкан қўриш майдонига ўқшаб кетади. Бу қўриш майдонига меҳнат қилмаётган ватандошларимиз эса бугунги куннинг миллий баҳодирларидир. Улар донишманд, кўнра тарих тузуқларидан ибратланиб, Ватанимизнинг янги тарихини яратмоқдалар. Ҳа, халқда бор фазилат йўқолмас экан. Бунёдкорлик халқимизнинг қадимқадим, ҳаёлида, тилганда, мактабидан. Бу халқ ҳақомонийлар, юнон-жаҳудлар, араблар, муғуллар оғи остида топилган Туронзаминни қайта бунёд этди. Чоризм ва қизил империя талаган юртга қайта барка барилди. Бу халқ ўз йўлбошчиси раҳбарлигида энди билак шимариб, келажакнинг бунёд этмоқда.

Михил САФАРОВ.

Тўғна

Шаҳрихонда республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ажойиб билим маскани фойдаланишга топширилади. Бу Шаҳрихон миллий хунармандчилик ва саноат касб-хунар коллежидир.

Шаҳрихонда бир коллеж бор

Мазкур билим маскани Шаҳрихон сервис техникаси ва таъбиркорлик технологик коллеж ўрнида бунёд этилпти. Бугунга келиб коллеж замонавий талабаларга жомаб бермай қўйган эди. Шунинг учун уни қайта қуриб, муҳташам билим даргоҳига айлантириш юзасидан тендер ўтказилди. Тендерда 125-хўжаликлар курган кўнра механизациялашган жамоа ғолиб чиқиб, бош пудратчига айланди.

«Фарзандларимиз биздан кўра ақли, билими, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак» деган эди, — дейди бош пудратчи, қуришди ташкилотни раҳбари Аҳмажон Абдураимов.

Шунинг учун ҳам академик лицейлар, касб-хунар коллежлари қурилишига катта эътибор берилаётди. 900 ўқувчига муҳалланган янги касб-хунар коллежга 610 миллион сўмлик қуриш-монтаж, қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ҳозир бу ера бош пудратчи ташкилотнинг 110-115 қурувчиси меҳнат қилаётди. Бундан ташқари Бўз туманидаги 118-хўжаликлараро кўнра механизациялашган қолонна ва бошқа қуриш ташкилотларидан келган пардозовчилар, сантехника ва электр ускуналари ўрнатувчилар фаол иштирок этишаётди. Қуриш соҳаси ихтисослашган ҳам хайри ншта муносиб ҳисса қўймоқдалар.

Юсуфжон УСМОНОВ, Шаҳрихон тумани маҳаллий рeдoзиoштириш муҳаррири.

«ПУДРАТ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (ТЕНДЕР) БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ХИСОБИДАГИ РЕПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ТАШКИЛОТЛАРИ УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ «ОЛИМПИА ЗАХИРАЛARI» КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ҚУРИЛИШИ ТАРКИБИДАГИ ОЧИҚ БАССЕЙН ВА ЁПИҚ БАССЕЙН ИНШООТЛАРИНИ АСБОБ-УСКУНА ВА ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ТАНЛОВИДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжати эга бўлиш учун ариза билан қўйиш манзилга мурожаат қилиш мумкин: Урганч шаҳри, А.Баҳодирхон кўчаси 182-уй, тел: (8-362) 226-92-25.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари ДИҚҚАТИГА! Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ОПОХЛАТИРАДИ. Республика хулуфати руҳанотамизга ва сертификат олиб қилинган ҳамда, сотува бўлган ва ишлатилган радиоелектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиостанциялар, симлиқ радиотелефонлар, портатив радиостанциялар ва бошқа радиотўғна воситалари) олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жалвогаги чораларни қўрилади. Радиоелектрон алоқа воситаларини республика хулуфати олиб кириш учун руҳанотамиз олишини ва ўрнатилган тартибда руҳанотамиз ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромангнит мослашув марказига мурожаат қилишинизни қорак. Бизнинг манзилларимиз: Тошкент шаҳри, Амур Темур кўчаси, 117-уй. Телефонлар: 137-63-67, 35-53-87. Андижон шаҳри, Чилан кўчаси, 5-уй, 49-хонада. Телефон: 5-66-50. Бўғора шаҳри, акад. И.Мирзоев кўчаси, 2-уй. Телефон: 23-95-56. Жезказган шаҳри, «Иттифоқ» маҳалласи, максароф 3/1, 23-уй, 35-хонада. Телефон: 6-53-63. Нукус шаҳри, Ернар Амир кўчаси, АМТС биноси. Телефон: 24-05-23. Қарши шаҳри, 1-ча максароф, 43-уй, 62-хонада. Телефон: 5-22-36. Наманган шаҳри, Мирзоев кўчаси, 77-44-уй. Телефон: 3-91-10. Наманган шаҳри, Мирзоев кўчаси, 8-44, кат. 2, 34-хонада. Телефон: 6-20-30. Самарканд шаҳри, Сельский в/о Кабова, СТРК. Телефон: 31-22-62. Термиз шаҳри, Гагарин кўчаси, 32-уй. Телефон: 6-04-96. Гулистон шаҳри, Х.Дусталик, 30-уй. Телефон: 25-44-56. Фариш шаҳри, Павлов кўчаси, 37-11-уй, 36-хонада. Телефон: 26-49-53. Урганч шаҳри, Ака Герман кўчаси, 9-уй, 84-хонада. Телефон: 6-77-45.

ВРЕМЯ ПОДПИСАТЬСЯ! на журнал «ПрессТИЖ» Вы подписались на журнал «ПрессТИЖ» только на первое полугодие?! Тогда сейчас самое время подумать о продлении своей подписки до конца 2002 года! Если же вы постоянный подписчик журнала «ПрессТИЖ» — рекомендуем подписаться на наш журнал своим партнером по бизнесу. Такой совет поднимет ваш собственный ПРЕСТИЖ. Оформить подписку можно в ближайшем отделении связи или с помощью фирм-дилеров. Дополнительную информацию о процедуре подписки вы всегда можете получить, позвонив по телефону 180-11-44 в г.Ташкенте.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816) ва ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади. Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади. Завод кафолатли берилади. Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

Орамиздаги одамлар

ЎН МИНГ ҚУВОНЧ,
ЎН МИНГ ТАБАССУМ!



Наманганда унинг қадами етмаган жойнинг ўзи йўқ. Энг чекка қишлоқларгача бориб, аёлларнинг бариси, айниқса, фарзанд кутаётганларидан маслаҳатини аямайди, кўпларини даволаб, эсон-омон кўзи ёриб олгунча теласида туради. Ойшахон Кўчқорованинг касби — акушер-гинекологлик шунини талаб этади ва у бундан сира нолимайди.

— Нолишга ҳаққим йўқ, — дейди опа. — Сабаби, энди ишлайдиган давр келди. Миллатнинг соғломлиги, бардам чақалоқлар туғилиб, алломшикейбат йитилганди, барчисидафат қилар калом топиши учун биз қайғурмасак ким қайғуради. Йилгига фарзанд кўришни рағбатлантириб, оналару болаларини ногирон қилишгача олиб боришга замонлар кеча эмасми. Бугунги шароит, она ва бола саломатлиги муҳофазаси давлат сисбати даражасига кўтарилганини кўриб гаиратим тошади.

Кейинги йилларда келтирилган жаҳон андозалари даражасидаги ташхис усуллари нафақат онанинг, балки ҳомиланинг соғлиғига аниқлаб бераётган бўлса, мураккаб даволаш мосламалари шифокор тавсияларини беқаму қўст бажаришга маддакор. Туғуруқхона негизда республика акушерлик-гинекология илмий-тадқиқот институтининг филиали очилгач, табиийки, фаолият янада такомиллашди. Бу ерда ҳомилалор аёлларда учрайдиган экстрагенитал хасталикларни аниқлаш ва даволаш бўйича фан ҳамда амалиёт ҳамкорлиги ижобий натижа бераётди. Ойшахон Кўчқорова ва унинг ҳамкасблари худди шу кунларни орзу қилишмаганмики?

дан ташқари сафга қизлари Гулузра ҳам қўшилди. У Ойшахон опа изидан борди, акушер-гинекологикни танлади. Она-бола бирга ишлашди. Гулузра бўлим мудир, онаси филиал директорининг ўринбосари.

Шифокор меҳнатининг самараси даволаган беморлар, шогирдларининг камолотида. О. Кўчқорованинг қирқдан зиёд шогирди бор. Кўплари бирга ишлашди. Қувончлиси, илмий ишга қўл урганлари ҳам бор. Масалан, Машҳура Қозоқова «Бўқоқ касаллиги ва ҳомилалорлик» мавзусини ўрнаётган бўлса, Ирода Муҳиддинова «Вирусели гепатитининг ҳомилалорликка таъсири» бўйича тадқиқот олиб борапти. Филиалда тупланган бой тажриба, илмий изланишлар бобида яратилган шароит фан ва амалиёт уйғунлиги, ўз навбатида табиий хизмат самардорлигини таъминламоқда.

Инсон умрининг ўлчоғи нафақат йиллар билан, балки у қолдирган ишлар билан сазмоқли. Ҳаётда олдий ва камтар инсон бўлган Ойшахон Кўчқорова босиб ўтган йўлдан қониқиб ҳиссини туйганлардан. Сабаби, соҳага оқ оралаб, манғайида оғир-енгил кунлар қолдирган белгилар кўпайган паллада истиқлол шарофати билан меҳнати қадрини топди — Ўзбекистон Қаҳрамони деган олий мукофотга мушарраф бўлди. Бу унвонни унга сиз қилди ишлагани, шифокорлик бурчида салоқат билан хизмат қилгани учун беришди. Опа ҳисоблаб кўрса, ҳозиргача доил қилган аёллари сони ўн мингдан ошибди. Ана шунча болалар унинг дилбандлари, набиралари. Уларни қўз олдидан ўтказган кезларда ўн минг қувонч, ўн минг табассум гавдаланади. Умри беқам ўтмаганлигидан кунгли таскин топади.

Доялик — оғир вазифа. Уни удралаш учун одамга филдек куч, чексиз сабр-тоқат, меҳрга тўла юрак керак. Айтишларича, туғуруқнинг тўқсон фоизи физиологик жараён бўлиб, қолган ўн фоизига мутахассис аралашуви талаб этилади экан. Уша ўн фоиз ёки баъзи ҳолатларда тўлоқ оғир кечиб, икки эшик орасида турган аёлга малакали табиий ёрдам кўрсатиш билангина уни ҳам, чақалоғини ҳам сақлаб қолиш аниқ акушер-гинеколог бодлиқ. Ойшахон опа оғир вазиятларда ҳам бурчига содиқ қолиб келаётгани босиб эъзоз топганлардан.

Шифокор иш вақтининг чегараси йўқ. Зарурият туғилди, уни тунги ширин уйқусидан уйғотишади. Шундай пайтда оғирмаган кишигина Гиппократ қасамидига содиқ ҳисобланади. Ойшахон опанинг оиласида бундай масъулият кўпчилигининг чекига тушган. Турмуш ўртоғи Маҳмуджон ака ҳам врач — олдий тоифали жарроҳ. Бирини бўлмаса бирини чақирув келиб туради.

Олтмишинчи йиллар бошида соҳага кириб келган бу аёл турли шароитларда ишлаб, оғирига ҳам чидади, енгилгига ҳам. — Унда ҳозиргича ўта аниқликда ишлайдиган асбоб-ускуналар қасқдайди, — хотирлайди опа. — Билсангиз, яқин кунларгача ҳам ҳомилалор аёлининг ҳолатини адимсоқдан қолган усул — эшитиш жиҳозлари ёрдамида аниқлаш билан чекланарди. Ҳомила қандай ривожланипти, унинг нуқсонини борми-йўқми, бу ҳақда худоса қилиш мушкул бўлганлигини асти кўзларингиз. Замон билан боровар тибббининг имкониятлари ҳам кенгайиб бораётди. Ойшахон опа меҳнат қилаётган вилоят марказий туғуруқхонасидаги ўзгаришларни кўринг.

Маҳмуджон акангиз билан тўйимиздан бир ҳафта ўтган исқомимиз пақ йитирма саккиз кун хотиржам ўтириб, гаплашмабмиз. Аввалига у киши хизмат сафарига отландилар, орқаларидан мени кетма-кет наватчиликка қўйишди. Йўқ, бора-бора бундай ҳолатларга кўникиб кетдик, — эслайди опа.

Икки эрти бир бутун, Маҳмуджон ака ва Ойшахон опадан зўр шифокор чиқди. Бонси, билганларини айтиб, бир-бирларини тўлдирган, соҳада не янгиллик бўлса, аввало, онада ўқиб, ўрганилган. Одамлар ҳаммага бирдай меҳрибон, бу жуваликнинг орқасидан кўниб юришади. Иккиси бундан фахрдан. Кўпчиликка керак эканми, ҳаётда ўрнимизни топганимиз шу, дейишади. Бун-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

масофадан хизмат кўрсатиш «БАНК-МИЖОЗ» тизимини таклиф этади.

Bank хизматининг энг замонавий шакли — Миллий банк билан муносабатларингизга янги сифат бахш этади.

Реал вақт шароитида тўловларни амалга ошириш, ҳисобварақлар, қирим ва чиқим тўловлари ҳолати тўғрисида ахборот олиш, бевосита офисингиздан ёки уйингизда туриб амалий ёзишмалар бажариш.

Ўзмиллийбанкнинг «Банк-мижоз» тизими 2002 йил май ойида Осий ва Тинч океани минтақасининг йиллик банк конгрессида «Технологияларни ривожлантириш» номинациясидаги галабаси учун мукофот олди.

МИЛЛИЙ БАНК — доимо Сиз билан!

Телефонларимиз: (99871) 137-59-37, 137-59-60. www.nbu.com

САВОЛ БИЗДАН...
Прая шаҳри қайси давлатнинг пойтахти?
136-35-60
Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: ЮНИДО

Азиз юртдошлар!
РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК»

сизни маблағларингизни хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтаришни ҳамда уни қатъий сир сақланишини кафолатлаган ҳолда қуйидаги омонат турларини таклиф қилади:

- «НУРОНИЙ» (бир йил муддатга) — ҳар икки ойда 7,5%дан устама;
- «ОМАД» (уч ойдан кам бўлмаган муддатга) — ҳар чоракда 6% устамадан ташқари ҳар 3 ойда миқозларга катта миқдорда ютуқ ҳам берилади.
- Шунингдек, жорий йилнинг 20 июнидан бошлаб қуйидаги янги омонат турларини ҳам таклиф қилади:
- «ТАЛАБА-КОНТРАКТ» (6 ойдан кам бўлмаган муддатга) — йилига 42%дан устама тўлаш;
- «ИМКОНИЯТ» (6 ой ва 1 йил муддатга) уй-рўзғор ашёси сотиб олиш учун — йилига 45%дан устама берилади;
- «НИЯТ» (10 кундан кам бўлмаган муддатга) иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб бориш учун — йилига 48%дан устама тўлаш;
- «САЛОМАТЛИК» (11 ой ва кейинги муддатга) дам олиш ва даволашни учун маблағ йиғишга — йилига 54%дан устама тўлаш;
- «НАФАҚА-МАДАДКОР» (1 йил ва кейинги муддатга) нафақахўрларга ўз маблағларини кўпайтиришга — йилига 42%дан устама тўлаш;
- «ЁШЛИК» (6 ой ва кейинги муддатга) ўсмирларнинг маблағларини кўпайтириш учун — йилига 42%дан устама тўлаш;
- «ТАДБИРКОР» (1 йил муддатга) тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун — йилига 42%дан устама тўлаш;
- «КОММУНАЛ ТўЛОВ» (1 йил муддатга) ушбу тўловларни тўлашда қулайлик яратишга — йилига 48%дан устама тўлаш.

Сизларни ўз миқозларимиз қаторида кўришдан мамнунимиз!
«ҒАЛЛАБАНК» хонадонингизга барака келтирсин!
Маълумот учун телефонлар: 133-71-72, 56-22-65, 34-41-59.

Янги китоблар
«Ёшга доир пенсиялар қандай тайинланади?»
«Меҳнат» нашриётида Қарияларни қарлаш йилгига бағишлаб чоп қилинган китоб шундай номланади. Унда ёшга доир (қариллик) пенсия тайинлаш тартиблари, шартлари, пенсия миқдорини аниқлаш, унинг тўлалигини амалга ошириш борасида қонунчилик қондалари умумий тарзда баён этилиб, ушбу масаладаги ҳуқуқлардан фойдаланиш усули сусида маслаҳатлар берилган.

Мамлакатимизда аҳолининг демографик таркиби ҳисобга олинган ҳолда кучли ижтимоий сисбат юргизилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши ёшга доир пенсияларни тайинлашни тартибга солиди.

Хуқуқшунос олим Й. Турсунов томонидан тайёрланган рисола «Ёшга доир (қариллик) пенсияси тайинлаш», «Ёшга доир (қариллик) пенсияси тайинлаш асослари ва шартлари», «Ёшга доир (қариллик) пенсияси миқдорини ҳисоблаш», «Ёшга доир (қариллик) пенсияси тайинлашда иш стажини», «Ёшга доир пенсияни қайта ҳисоблаш», «Ёшга доир пенсияни тўлаш», «Пенсионерларга бериладиган имтиёзлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш» каби бўлимлардан иборат. Ҳар бир бўлимда пенсия тайинлаш борасидаги доллар саволларга ҳуқуқий жиҳатдан асосланган жавоблар берилган.

«Ўзбек-Лада» автосалонида 15 апрелдан «Матиз» автомобили ютуғи ўйинида иштирок этадиган 250 та автомобилни сотиш бошланди.

«Ўзбек-Лада» автосалонидан «ЎздЭУавто»да ишлаб чиқарилган ҳар қандай автомобилни харид қилиб, совғага «Матиз» автомобили ютуғи соҳиби бўлишингиз мумкин. Ютуқнинг бахтли эгаси бўлишни истасангиз, шошилинг!

Дуққат! Совғага «Матиз» автомобили!

Ўйин шартлари:

- ўйинда 2002 йил 15 апрелдан «Ўзбек-Лада» автосалонида харид қилинган дастлабки 250 автомобиль иштирок этади;
- ютуқ соҳиби сотилган автомобилнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижаларига кўра аниқланади;
- автомобиль сотиб олган ҳар бир харидор ўйин иштирокчилари рўйхатида киритилади;
- «Матиз» автомобили ўйинида иштирок этадиган автомобилларнинг кузов рақамлари «Халқ сўзи» ва «Пародное слово» газеталарида чоп этилади.

Маълумот учун телефонлар: 120-77-44, 120-77-46, 173-26-23. Бизнинг Интернетдаги сайтимиз www.uzbeklada.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шогулмолов, О. Қанипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтин тартиби № 00001 Буюртма Г — 576, 36491 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Обфет усулда босилган. Қозғоқ бичими А—2
Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Тахририятда ҳажми 5 қозғоқдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[] — Тижорат материал

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов. Навбатчи — Б. Остонақулов. Мусоҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00 Тоширилди — 21.10. 123456